БУГУНГИ СОНДА:

- 1-бет: ● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ
- 2-бет: ● АВСТРИЯ ОРҚАЛИ ЕВРОПАГА ҚУЧОҚ ОЧДИК ● ХАЛҚИМИЗ ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВДЕК ФАРЗАНДИ. БИЛАН ҲАР ҚАНЧА ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ
- 3-бет: ● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ? ● «ОЙНАИ ЖАҲОН»НИНГ ҲАФТАЛИК ДАСТУРИ
- 4-бет: ● ҚИЗЛАР БАЗМИДАН ЧИҚҚАН ҚОТИЛЛИК ● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЕДАКЦИЯСИГА «СУВГА ЧУККАН ҚАЙИҚЛАР» ФЕЛЬЕТОНИ ЮЗАСИДАН ЖАВОБ КЕЛДИ

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи 3 сўм.

1992 йил 3 октябрь, шанба № 195 (21.293).

Финляндия Республикаси Президенти Ўзбекистонда

Суратда: Ўзбекистон ва Финляндия Президентлари И. Каримов ва М. Койвистонинг матбуот конференцияси.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

1 октябрь куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон — Финляндия ҳужжатлари имзоланди.

Икки Президент — Мауно Койвисто ва Ислом Каримов иштирокида тантанали вазиятда Финляндия Республикаси ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида сармоя сарфлаш ва уни ўзаро ҳимоя этишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида, шунингдек, савдо, иқтисодий ва технология ҳамкорлиги ҳақидаги битимлар имзоланди.

Бу ғоят муҳим ҳужжатлар иккала мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кенг истиқболлар очади.

Шу куни иккала давлат бошлиқлари республика оммавий ахборот воситаларининг намояндалари ва Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий журналистлар билан суҳбатлашдилар. Мауно Койвисто матбуот учун баёнот берди.

1 октябрь куни кечқурун Ўзбекистон раҳбарияти номидан олий меҳмонлар шарафига қабул маросими ўтказилди.

(ЎзА).

Меҳмонлар Самарқандда

Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвисто бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга сафари давом этмоқда. Меҳмонлар 2 октябрь куни Самарқанд шаҳрига жўнаб кетишди.

Мауно Қойвисто жаноблари ва унинг рафиқасига Ўзбекистон бўйлаб сафарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва унинг рафиқаси ҳамкорлик қилмоқда.

Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолишди.

* * *

Республикамизга расмий ташриф буюрган Финляндия Президенти Мауно Койвисто ҳамда у кишига мамлакатимиз бўйлаб сафарида ҳамроҳлик қилаётган Президентимиз Ислом Каримов 2 октябрь куни Самарқандга келди.

Финляндия ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари билан безатилган Самарқанд аэропортида муҳтарам меҳмонларни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов, вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Худойқулов, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди. Миллий либосдаги қизлар, болалар Финляндия Президенти ва унинг рафиқасига анвойи гуллар тақдим этдилар.

Президент Мауно Койвисто ва Ислом Каримов мезбонлар ҳамроҳлигида Самарқанднинг табаррук қадамжоларини зиёрат қилдилар, Сиёб деҳқон бозорида бўлдилар. Шундан сўнг олий мартабали меҳмонлар Регистон ёдгорликлар мажмуаси, Гўри Амир мақбарасини қизиқиш билан томоша қилдилар. Самарқанд шаҳри аҳолиси билан дилдан суҳбатлашдилар.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги олий мартабали меҳмонлар шарафига зиёфат берди.

Финляндия Президенти шу куни ҳамроҳлари билан Самарқанддан Бухорога жўнаб кетди.

Х. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

НАВОИЙ ПОЙИГА ГУЛДАСТАЛАР

Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 1 октябрь куни кечқурун Ўзбекистон миллий боғига келди.

Олий даражадаги меҳмон улуғ бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан ўзбек халқига ҳурмат бажо этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, республика Бош вазири Абдулҳошим Муталов, республика ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдураззоқов, Тошкент шаҳар ҳокими Атҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

(ЎзА).

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ М. КОЙВИСТОНИНГ 1992 ЙИЛ 1 ОКТЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТДА МАТБУОТ УЧУН БЕРГАН

БАЁНОТИ

Бугун мен Президент Каримов билан биргаликда баъзи асосий халқаро масалаларни, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабат масалаларини ҳам ғоят муфассал муҳокама қилиш имкониятига эга бўлдим.

Биз ўзаро муносабатларимизда муаммолар йўқлигини таъкидлаш имкониятига эга бўлдик. Биз, аксинча, барча соҳаларда ўзаро алоқаларимиз шитоб билан ривожланишига ишонч билан қарашимиз мумкин. Мамлакатларимизнинг икки томонлама муносабатлари БМТ низомида ҳам, шунингдек Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг асосий ҳужжатларида ҳам кўрсатилган қоидаларга асослангандир.

Мен Президент Каримовни рафиқаси билан Финляндияга ташриф буюришга таклиф этдим.

Ташқи ишлар вазирларининг, олий даражадаги мансабдор шахсларнинг суҳбатларида бир қанча халқаро масалалар, шунингдек, икки томонлама муносабатларга доир масалалар янада муфассалроқ муҳокама қилинди.

Финляндия ўзининг Ўзбекистондаги дипломатия ваколатхонасини шу тарзда ташкил қилмоқчики, унга кўра элчи Хельсинкида туради.

Биз халқаро масалаларга тааллуқли барча қарашларга кўпгина бир хил ёндашувлар борлигини таъкидлай олдик. Биз Ўрта Осиёнинг турли муаммолари тўғрисида, шунингдек, МДҲга тегишли масалалар тўғрисида анчагина ахборот олдик.

Ҳар икки томон савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликка қизиқиш билан қарамоқда. Финляндия ўз имкониятлари доирасида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга доир режаларни рўёбга чиқаришда қатнашишга тайёрдир. Бу масалалар Ташқи савдо вазирлигининг олий мансабдор шахслари ҳамда ишбилармонларнинг намояндалари билан бугун бўлган давра суҳбатларида, шунингдек бизнинг ишбилармонларимиз ҳамда Ўзбекистон иқтисодий турмуши вакиллари билан бўлган учрашувларда муфассал кўриб чиқилди.

Иқтисодий ҳамкорликнинг асослари тўғрисида ҳозиргина имзоланган битимлар ҳам иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Бу битимлар корхоналар фаолиятини кучайтириш учун қулай имконият яратади.

Мен ташрифимнинг дастлабки куни мобайнида эришилган натижалардан жуда мамнунман. Биз бугун оқшом мобайнида давом эттиришимиз мумкин бўлган суҳбатлардан ташқари, Ўзбекистон саноати ҳамда иқтисодиётининг кишида катта таассурот қолдирадиган тармоқлари билан танишиш имкониятига эга бўлдик. Эртанги дастуримиз доирасида Ўзбекистон иқтисодиёти учун ғоят муҳим бўлган пахта етиштириш тўғрисида ахборот оламиз, шунингдек Ўрта Осиёнинг диққатга сазовор машҳур тарихий жойлари билан танишамиз.

ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

● Ислом Каримов ва Мауно Койвисто журналистлар билан суҳбатлашдилар.

Ўзбекистон — Финляндия ҳукуматлари ўртасидаги битимлар имзоланиши биланоқ 1 октябрь куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ва Финляндия Республикасининг Президенти М. Койвисто республика оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва Ўзбекистонда расмий равишда рўйхатга олинган хорижий журналистлар билан суҳбатлашдилар.

— Азиз дўстлар, муҳтарам матбуот вакиллари, — деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти суҳбатни бошлар экан, — ҳозиргина иккита жуда муҳим, таъбир жоиз бўлса тарихий аҳамиятга молик ҳужжат имзоланди, бу ҳужжатлар Финляндия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги саҳифа очади. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, шунингдек, ҳорижий сармояларни ҳимоя қилиш ва уларга кафолат бериш ҳақидаги шу ҳужжатлар пухта тайёрланган бўлиб, узоқ муддатга мўлжалланган, Финляндия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболини кўзда тутади.

Финляндия Президенти М. Койвисто жаноблари биз яшаб турган жуда мураккаб даврда Ўзбекистонга келиш ҳақидаги таклифимни қабул этгани учун, Койвисто жаноблари кескинликни юмшатиш, халқаро вазиятни барқарорлаштириш ишига жуда катта ҳисса қўшаётганлиги учун унга яна бир бор миннатдорлик туйғусини изҳор этмоқчиман, деди сўнгра у. Хельсинки сўзининг ўзида катта маъно бор. Унинг Ўрта Осиёда рўй бераётган воқеаларга қизиқиши, халқаро майдондаги зўр нуфузи, тажрибаси ва билими ҳам Тожикистондаги, ҳам бутун Ўрта Осиё минтақасидаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларини ҳал этиш йўлини топишга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Сўнгра Мауно Койвисто жаноблари матбуот учун баёнот берди. Мен ушбу ташриф вақтида эришилган натижалардан ғоят мамнунман, деб таъкидлади Финляндия Президенти.

Икки давлат бошлиқлари журналистларнинг кўпгина саволларига жавоб қайтаришди.

Ўзбекистон Президенти Фин телекомпанияси мухбирининг саволига жавоб қайтарар экан, ҳозир республика ҳукумати ўтказаётган сиёсат Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш принципларига мувофиқлигини, халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг талабларига тўла-тўкис мос келишини алоҳида таъкидлаб ўтди. У Ўзбекистонда ҳар қандай мухолифат фаолиятига тўсқинлик қилиш, уни сиёсий жиҳатдан таъқиб этиш ҳоллари мавжудлиги ҳақида нопок кучлар қасддан тарқатаётган миш-мишлар ва уйдирмаларни қатъиян рад қилди. Ўзбекистон — суверен, мустақил давлат, унинг ўз Конституцияси бор ва ҳар қандай мухолифат фаолияти шу Конституцияга мувофиқ бўлиши керак, ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай давлатда шундай тартиб ўрнатилган, деб уқтирди у.

Журналистлар Президент М. Койвистодан Ўзбекистон раҳбариятининг ҳозирги сиёсий йўлига баҳо беришни илтимос қилишди. М. Койвисто республикада турли тусдаги — ҳам миллий, ҳам халқаро муаммолар борлигини уқтиргач, Президент Ислом Каримовнинг мақсад ва муддаоларига тўла хайрихоҳлик изҳор қилди. Шунингдек Ислом Каримов ва у бошчилик қилаётган Ўзбекистон раҳбарияти ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал эта оладилар, деб ишонч билдирди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

«ВАТАН», ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Республикамизда нашр этилаётган рўзнома ва ойномалар яна биттага кўпайди. Сентябрь ойнинг охирги кунида «Ватан тараққиёти» партиясининг бош нашри бўлмиш «Ватан»нинг дастлабки сони ўқувчилар қўлига тегди.

Янги нашр ҳафталик бўлиб, у ўз солномасини «Ватан тараққиёти» партияси Тошкент шаҳар ва вилоят бўлими таъсис қурултойи қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Мурожаатномасини эълон қилиш билан бошлади.

Кўп партиялилик шароитида «Ватан тараққиёти» фирқаси ўз олдига қандай мақсадларни қўйган! «Бизнинг йўлимиз Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва тараққиётига ёрдам берадиган ҳамма ишларга кўмаклашиш йўлидир», — дейди партия бош котиби Усмон Азим ҳафталикда босилган суҳбатида.

Ўзбекистон — ўзбекларнинг, шу ҳудудда яшаётган барча кишиларнинг Ватани. Шу Ватанни севиб ардоқлаш, бошга кўтариш, унинг тараққиётига ҳар томонлама кўмак бериш, унинг яхлитлиги ва бутунлигини кўз қорачиғидек асраш —ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчидир. Уйлаймизки, янги ҳафталик шу олижаноб вазифаларга хизмат қилади. «Ватан», йўлинг ойдин, қадаминг қутлуғ бўлсин! Оқ йўл!

ВАЗИФА—ЛОЙИҲА МУҲОКАМАСИНИ УЮШТИРИШ

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти район ва шаҳар партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари ҳамда партия фаоллари иштирокида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг раҳбари, ҳуқуқшунослик фанлари доктори А. Х. Саидов умумҳалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ

ФУРСАТ ҒАНИМАТ!

Пахта йиғим-терининг боришини республика қишлоқ хўжалиги вазири Норбек Қаюмов шарҳлайди:

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ об-ҳавоси ўзига хос. У деҳқонлар, хусусан пахтакорларни йилига бир неча бор синовдан ўтказади. Ана шу синовларга дош бериб, тадбиркорлик билан иш тутган миришкорлар мўлжалдаги ҳосилни етиштириб олқиш олган, чўнтаги пулга, дастурхони ноз-неъматга тўлган.

Бу йилги табиат ноқулайликлари, айниқса, оғир бўлди. Режадаги 1 миллион 666,3 минг гектар майдоннинг қарийб тенг ярмига чигит қайта экилди. Айрим жойларни ҳатто уч-тўрт мартадан бузиб экишга тўғри келди.

Шунга қарамай, азамат пахтакорлар бор маҳоратларини ишга солдилар. Ғўза парваришини ўз вақтида, сифатли адо этиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, республика далаларида режада белгиланган даражада пахта бор.

Аммо табиатнинг баҳордаги ноқулайликлари ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Кўп жойларда ҳосилнинг етилиши 15—20 кунга кечикди. Шунинг учун ҳам пахта тайёрлаш суръати ўтган йилгидан анча орқада.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига қараганда, бу йил йиғим-терим бултургидан анча кеч бошланди. Шунга қарамай суръат кескин кўтарилмаяпти. Сентябрь ойи мобайнида 450 минг тоннага яқин хом ашё тайёрланди. Сўнгги пайтда кунига 45 минг тонна атрофида ҳосил териб олинмоқда.

Ўтган йили мавсумнинг дастлабки ойида бир ярим миллион тоннадан ортиқ пахта тайёрлаб қўйилганди. Кунлик ўсиш ҳам анча юқори эди. Демак, вазият йиғим-теримни бутун чоралар билан кучайтиришни, шу йўлда барча имкониятлардан мумкин қадар тўла фойдаланишни тақозо қиляпти.

Республика Президентининг қўлда ва машинада терилган пахтага ҳақ тўлаш миқдорини ошириш ва режадаги ҳосилнинг ўн беш фоизини, режадан ташқари тайёрланганининг ҳаммасини деҳқонларнинг ўзлари тасарруф этишлари ҳақидаги қарорлари ўз меҳнатидан манфаатдорликка кенг йўл очди.

Шунинг учун ҳам кўплаб туманларнинг миришкорлари катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни ўз вақтида саранжомлаб олишга ҳаракат қилишяпти. Фарғона вилоятининг Бувайда туманида мўлжалдаги хирмонинг ярмидан кўпи тиклаб қўйилди. Учкўприк, Олтинкўл, Олот, Қоракўл, Ғузор, Ангор районлари заршунослари ҳам теримни кун сайин авж олдирмоқдалар.

Зафар маррасини эгаллаган звенолар, бригадалар, хўжаликлар сони тобора ортиб бормоқда. Олот туманидаги «Олот» давлат хўжалиги сентябрь ойидаёқ ўз режасини уддалаб қўйди. Бувайда туманидаги «Доимобод» жамоа хўжалиги миришкорлари ҳам зафар маррасига яқинлашиб келдилар. Илғорлардан ҳар қанча ўрнак олса арзийди.

Лекин масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, ҳали катта ва машаққатли ишлар олдинда турганлигини кўрамиз. Одатда табиат йиғим-теримга жуда оз вақт ажратади. Бу йил эса мўлжалдаги хирмонни бунёд этиш учун ҳатто кунлар саноқли. Чунки кўп жойларда ҳосил ёппасига энди етиляпти. Уни ўз вақтида саранжомлаб олиш учун ҳозир аввалгидан икки-уч маротаба куч, ғайрат талаб этилади.

Шундай экан, ғанимат кунларнинг бирор дақиқаси бекор ўтишига йўл қўймаслик лозим. Теримда қатнашаётганларнинг унумли ишлаши учун барча шароитларни яратиш керак. Имкониятдан келиб чиқиб терилган пахтага қўшимча ҳақ тўлаш масаласини ҳал этиш лозим. Пешона тери эвазига етиштирилган ҳосил, ризқ-рўз нобуд бўлгандан кўра одамлар манфаатдор бўлгани маъқул.

Бу йилги шароитда ҳосил тақдирини машиналар ҳал қилади. Аммо ҳозирча уларнинг кучидан етарли фойдаланилмаяпти. Сентябрь ойида атига 40 минг тоннага яқин хом ашё машиналар бункеридан тўкилгани фикримизнинг далилидир.

Қатор хўжаликлардаги мавжуд терим агрегатларининг ҳаммаси тўла ишлатилаётганлиги, ҳар бир машина билан ўртача 5—6 тоннадан, илғор механизаторлар 7—8 тоннадан пахта теришаётгани ҳақида хабарлар келиб турибди. Лекин айрим далалар теримга тайёр эмас, эҳтиёт қисмлар етишмади, ёнилги-мойлаш материаллари йўқ, деган баҳона билан теримни тезлаштирмаётганлар ҳам кўп.

Ҳозир — баҳона эмас, имконият излайдиган палла. Шундай қилинмаса, ҳеч ким пахтамизни териб бермайди. Фурсат ғанимат, қимматли дамларнинг қадрига етайлик!

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 2 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан бери.

Фарғона	2,64	27,90
Бухоро	2,50	23,04
Хоразм	1,45	20,07
Андижон	1,55	16,54
Сурхондарё	1,68	16,11
Наманган	1,39	8,81
Қашқадарё	1,27	7,74
Қорақалпоғистон Республикаси	1,04	7,23
Навоий	1,59	6,46
Тошкент	0,58	4,30
Сирдарё	0,19	1,34
Самарқанд	0,29	0,70
Жиззах	0,14	0,38
Республика бўйича:	1,29	11,48
1991 йилдагиси	2,82	39,58

• Ўзбекистон ва жаҳон

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги делегациянинг Австрия Республикасига ташрифи ғоятда амалий бўлди.

Шавкат ЯҲЁЕВ

АВСТРИЯ ОРҚАЛИ ЕВРОПАГА ҚУЧОҚ ОЧДИК



ИККИ мамлакат халқлари ўртасида тарихий таркиб топган савдо ва биргаликдаги ишлаб чиқариш фаолияти бунга мустаҳкам замин тайёрлаган эди. Маълумки, Ўзбекистон пахта, ипак, қоракўл, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва уларни бирламчи қайта ишлашга ихтисослашган. Шунингдек газ ва нефть, рангли металлар ва олтин, мармар ва бошқаларга бой ўлка. Ўзбекистонимиз пахта етиштириш бўйича жаҳонда тўртинчи ўринда турибди. Олтин қазиб чиқариш бўйича эса дунёдаги қудратли ўн мамлакатнинг бири ҳисобланади. Бизда энергетика базаси, транспорт ва ирригация тармоқлари таркиб топган. Энг муҳими, бизнинг республикамиз ҳозирги пайтда собиқ СССР даги ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан энг барқарор, юздан зиёд миллат вакиллари энг аҳил яшаётган, демократик жамият барпо этишга ҳамжиҳатлик билан интилаётган, эркин бозор иқтисодиёти принципларини амалга оширишга дадил киришаётган республика ҳисобланади.

Ўзбекистон Шарқнинг энг яхши анъаналарига риоя қила бориб, меҳмондўстлик ва миллатлараро дўстликка бағрини кенг очмоқда. Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг халқаро алоқаларни муттасил кенгайтириб бориши ва мустаҳкамлашига жуда яхши асос яратилди. Энди у дунёга бағрини очмоқда! Йигирма икки миллионга яқин аҳоли истиқомат қилаётган республикамиз бозор иқтисодиёти шароитида чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қилиш учун йўлни катта очиб қўйди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов учрашувларда бир неча бор таъкидлаганидек, Австрия Республикасининг олиб бораётган, пухта ўйланган ташқи сиёсатини Ўзбекистонда юқори баҳоламоқдалар. Демократик Австриянинг холис тутаётган йўли фақат Европадагина эмас, бутун жаҳонда барқарорликнинг муҳим ва ҳал қилувчи омилларидан биридир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ва Австрия ҳукуматларининг кўп масалалар бўйича ёндашишлари ва баҳолари бир-бирларига мос тушди. Ғарбий Европа ишбилармонлари учун Ўзбекистон ўзаро ҳамкорлик йўлини кенг очди, дейишимизнинг мустаҳкам асослари бор. Ислом Абдуғаниевич Каримов Австрияга ташрифи чоғида бешта муҳим жиҳатни тилга олиб ўтдилар. **Биринчидан,** Ўзбекистон парламенти қабул қилган барча ҳужжатлар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг умум эътироф этган меъёрлари ва қоидаларига таянади. Бу эса мустақил республиканинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тўла ҳуқуқли қўшилиши учун кафолатдир. **Иккинчидан,** барча қонунларда иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш кўзда тутилган. Республикада мулкчиликнинг у ёки бу шаклига нисбатан ғаразли қарашлар йўқ. Корхоналарнинг барча турлари, шу жумладан ҳорижий сармоя иштирокидаги хусусий корхоналар учун эркин ва самарали иш олиб бориш имкониятлари яратилган. Хорижий сармояларни рағбатлантириш тўғрисида қабул қилинган ҳужжатга мувофиқ ҳорижий ишбилармонларга биноларни, иморатларни ва машина-ускуналарни мулк қилиб сотиб олиш ҳуқуқи берилган. **Учинчидан,** халқаро савдосотиқ — бозорни моллар билан тўлдиришнинг, шунингдек рақобатнинг сифат жиҳатидан янги даражасини вужудга келтиришнинг бевосита йўлидир. **Тўртинчидан,** ҳорижий сармоя эгалари учун имтиёзли солиқ тартиби жорий этилган. Масалан, хорижий сармоя сарфланган корхона дастлабки фойда олинган пайтдан бошлаб икки йилгача солиқ тўлашдан озод қилинади. **Бешинчидан** эса республика миллий суғурта жамғармасини барпо этмоқда. Унинг асосий мақсади хорижий сармоя эгаларига кафолат беришдан иборат.

Ана шу жиҳатлар Австрия билан Ўзбекистон ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенг ривожлантиришга ёрдам беради. Австрия ишбилармонлари учун ана шу ҳуқуқлардан бемалол фойдаланиш имкони туғилдики, бу Ўзбекистон учун ҳам, Австрия учун ҳам ғоятда муҳимдир.

Ўзаро ишонч биргаликда фойдали битимларга келиш учун катта асос бўлди. Австрия Ўзбекистонга юз минг тонна гўшт ва уч юз минг тонна сут маҳсулотлари етказиб бериш учун махсус мутахассислар гуруҳини йўллайди ва мўзокаралар натижасида шартнома имзоланишига имконимиз комил. Шунингдек, республикамизнинг қайта ишлаш саноатига, қўшма корхоналарнинг кенг тармоғини барпо этишга сармоя сарфлашга шай турибди.

Вена дорилфунунида Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда Ўзбек тили ва адабиёти бўйича муттасил кадрлар тайёрлаб келинганлигини айтиб ўтиш ҳам мароқлидир. Буни қарангки, ҳатто адабиётимизни ва тилимизни ҳам ўрганадилар, учрашувларда улар Навоий, Беруний, Ал-Хоразмий, Улуғбек ва бошқа алломаларимиз номини кўп тилга олишди. Бизнинг тарихимизни ҳам чуқур билишларини ҳис этдик. Яна шу нарса қувончлики, Ўрта Осиё ва Ўзбекистондан бир пайтлар Австрияга бориб яшаётган менежерлар, банк эгалари ва биржачилар кўп.

Ҳозир Ўзбекистонда жами 1300 қўшма корхона ишлаб турган бўлса, шундан ўн иккитасида Австрия фирмалари иш олиб бормоқда. Яқин келгусида қўшма корхоналар, асосан майда ва ўрта корхоналар сони кўпаяди.

Тошкентда яқин орада менежер, маркетинг, молиявий сиёсат бўйича республикамиз дорилфунунларида австриялик етук профессорлар лекциялар ўқишади. Айни пайтда Австрияда бутун жаҳонга ишбилармонлиги билан маълум ва машҳур бўлган ўзбек вакиллари яшаб, фаол иш олиб бормоқдалар. Улар Ўзбекистон ва Австрия амалий алоқаларини кенгайтиришда шак-шубҳасиз муҳим роль ўйнайдилар. Яқинда пойтахтимизга Австрия делегацияси ташриф буюради, ана шундай алоқаларни ривожлантириш имкониятларини батафсил ўрганадилар. Пахтани қайта ишлаш заводлари, тўқимачилик комбинатлари фаолияти билан яқиндан танишадилар. Бу эса биз учун ҳам ҳар жиҳатдан фойдалидир. Негаки, эндиликда биз маҳсулотларимизнинг сифатини жаҳон мезонлари билан ўлчаймиз. Ана шу талабларга жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда бизга австриялик дўстларимизнинг ёрдами асқотади.

Уларнинг ишлаб чиқаришни моҳирона ташкил этишларини, энг замонавий техника воситалари билан жиҳозлашларини энг йирик «Филипс» компанияси корхонасида бўлганимизда яққол кўрдик. Электрон аппаратлар ишлаб чиқариш линиясининг ишлашини кузатдик. Оқ халатли, юқори малакали ишчилар орасида хотин-қизлар ҳам кўп эди. Уларнинг энг замонавий техника воситаларини моҳирона бошқаришларини кўриб, иқтидорларига тан берасан, киши!

Ўзбекистон Австрия билан бундан буён ҳам кенг миқёсда мол айирбошлаш, энг зарур тармоқларда қўшма корхоналар бунёд этиш, молия, менежмент соҳаларида мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, профессор-муаллимларни бир-бирларига юбориб туриш ва сайру саёҳатни ривожлантириш бўйича фаол иш олиб борадилар. Ташриф чоғида Австрия билан Ўзбекистон ўртасида сарфланган сармояни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида иккала ҳукумат ўртасида битим, аниқ лойиҳаларни пул билан таъминлаш ва улар учун қарз бериш тўғрисидаги кафолатлар ҳақида битим ва ҳаво қатнови тўғрисида битим тузиш юзасидан бошланган ишни давом эттириш хусусида келишиб олинди.

Муҳокама қилинган бир қанча масалалар юзасидан ҳужжатларнинг имзоланиши бундан буён ҳам ҳар иккала мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларига бой имкониятлар очиб берди.

АВСТРИЯГА сафаримиз чоғида мени, делегация аъзоси сифатида яна шу нарса қувонтирдики, австрияликларнинг каттаданкичиги ёш, мустақил Ўзбекистонимизга меҳр кўзи билан қарашмоқда. Ўзбек беқасам тўнини, атлас қийиғини бойлаб, дўпписини кийган австриялик дўстларимиз худди ўзбеклардек жозибадор бўлиб кетганини ҳис этасан. Ҳамма жойда республикамиз Президенти Ислом Каримовни ва делегация аъзоларини катта ҳурмат билан кутиб олишгани ва зўр иззат-икром кўрсатишгани бир умр ёдимиздан чиқмайди.

Ҳатто Ўрта Осиё минтақасида, Тожикистонда юз бераётган воқеалар ҳам австриялик дўстларимизнинг диққат-марказида эканлиги, мана шундай бир вақтда Ўзбекистонда вазият барқарор сақланиб келаётганлиги, сиёсий ва иқтисодий барқарорлигини изчил таъминлашда Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг катта саъй-ҳаракати алоҳида ўрин тутаётгани Австрия ҳукуматининг юқори доираларида ҳам таъкидлаб ўтилди. Бизда миллатлараро низоларнинг олди олинаётганлигига ва бунда Президентимизнинг — юрт отахони сифатида астойдил жон куйдираётганлигига австриялик дўстларимиз юксак баҳо бердилар.

Мустақиллигининг бир йиллигини нишонлаган Ўзбекистонимизнинг байроғи Европа мамлакатларининг маркази ҳисобланган Австрияда ҳам, ҳилпирагани республикамиз Европада ва жаҳонда ўз муносиб қаддини тутганлигидан, у жаҳон ҳамжамиятига, Европа хонадонига кенг қулоч очиб кириб бораётганлигидан далолатдир.

(Давоми. Боши ўтган сонда).

• ХОРАЗМ

ФЕРУЗ ХОТИРАСИНИ ЭЪЗОЗЛАБ

● Муҳаммад Раҳимхон Соний — Феруз Хоразм тахтида 47 йилдан кўпроқ ҳукмронлик қилиб, ўзидан порлоқ хотира қолдирган, воҳада маданият ва санъатнинг юксалишига ҳисса қўшган одил шоҳ, шоир ва мусиқанависдир.

У Ўрта Осиёда биринчи бўлиб 1873 йилда матбаачиликка асос солиб, тошбосма корхона очган, юзлаб нодир китобларни чоп этишга мутасаддилик қилган.

Мустақиллик шарофати билан Муҳаммад Раҳимхон Соний хотираси тегишли равишда эъзозланадиган бўлди. Феруз руҳини ёд этишга бағишланган санъат байрамида Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ҳокими Мафаргалди Мутаев, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Уббиниёз Аширбеков, Хоразм вилояти ҳокими Маркс Жуманиёзовлар иштирок этиб, тантана қатнашчиларини муборакбод этишди.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

• Ҳабиб Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигига

АТОҚЛИ ОЛИМ, ДАВЛАТ АРБОБИ, БЕНАЗИР ИНСОН

ҲАБИБ Муҳамедович вафотидан кейин Демьян Бедний кўчасидаги уйга бутунлай кўчиб келдик. Нима қилиш керак, осмон узоқ, ер қаттиқ, тақдир бошимизга солган ғам ундан ҳам қаттиқроқ. Ўша кезларда оғзим ошга, қўлим ишга бормасди. Гўё ҳаёт тамом бўлгандай. Шунда катта ўғлим Пўлатжон:

— Ойи, қанчалик оғир бўлса ҳам сиз дадамнинг хотираси учун иродангизни йиғиб, ўзингизни қўлга олиб, бизга бош бўлишингиз лозим, — деди.

Назаримда бечора болаларим бирданига катта бўлиб қолишди. Кутмаганда уларнинг бошига тушган ғам ёз саратонида қор ёққандек бўлганди. Пўлатжон билан Раънохонлар ўзларини оғир тутиб. чидам билан юришар, тақдирга тан беришга ҳаракат қилишар, аммо кичик ўғлим Рустамжон ҳеч кўнмас, бу айрилиққа чидолмасди.

Ҳабиб Муҳамедович вафот этган кунлари у кишининг хотирасини абадийлаштириш ҳақида Ш. Рашидов ва Р. Қурбоновларнинг имзоси билан қарор чиқди. Унга кўра Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Геология институтига Ҳ. М. Абдуллаев номи берилиши, Тошкент Политехника институтига ва Фанлар академияси қошидаги институтга, Ҳабиб Муҳамедович ўқиган ва ишлаган бинога ёдгорлик лавҳаси ўрнатилиши қайд этилган, олимнинг асарларини 1963 ва 1964 йилларда чоп этиш Ўзбекистон Фанлар академияси раёсатига топширилганди. Яна Ўзбекистон геология журналининг бир сонини Ҳ. М. Абдуллаев хотирасига бағишлаб чиқариш, унинг қабрига ҳайкал ўрнатиш лозимлиги ҳам айтилганди. Қарор чиққани менга далда бўлди. Энди вафотидан кейин ҳам қолган умримни у кишига бағишлашга аҳд қилдим. Дастлаб қабрга қўйиладиган ҳайкалга ҳаракат қила бошладим.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг дўсти, СССР халқ рассоми, ҳайкалтарош Е. Вучетичга хат ёзиб, ундан ҳайкал ясаб беришни сўрадим. Евгений Викторович Вучетичдан «Дўстим Ҳабиб Муҳамедовичнинг қабри устига қўйиладиган ҳайкални, албатта. қилиб бераман», деган жавоб мактубини ҳам олдим. У ўз ваъдасининг устидан чиқди. Ҳайкални битириб, то қабр устига ўрнатгунча, академик Ғани Мавлонов, Собир Азизовларнинг ҳам хизматлари жуда катта бўлди. Мен улардан бир умр миннатдорман.

Ҳабиб Муҳамедович охирги китобини Москвада чиқараман, деб ният қилгандилар. Мен ўша китобни Москвага бориб нашр эттиришга ҳаракат қилдим. Бу ҳақда СССР Фанлар академиясининг геология ва география бўлими мудири, академик Д. Шчербаковга айтгандим. Бу Ҳабиб Муҳамедовичнинг охирги истаги эканлигини назарга олиб, асарни «Геолог» нашриётида чоп этишларини хабар қилишди. Ҳабиб Муҳамедовичнинг сўнгги орзуси рўёбга чиқадиган бўлди.

Ҳукумат қарорига мувофиқ, дастлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология ва геофизика институтига Ҳ. М. Абдуллаев номи берилди. Тошкентдаги, Андижон, Наманган, Қашқадарё вилоятларидаги иккита мактаб ҳам Ҳабиб Абдуллаев номи билан атала бошланди. Олим номи берилган кўчалар ва ҳатто маҳалла ҳам бор. У киши ўқиб, тоғ инженери мутасаддиси бўлган Тошкент политехника институтининг кон қидириш факультетига ҳам унинг номи берилди. Лангар кони ҳудудида бюсти ўрнатилиб, музей ташкил қилинди.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг вафотидан сўнг республика Тарих музейидан келиб, олимга бағишланган алоҳида бўлим очишмоқчи эканини айтишди. Айрим буюм ва ҳужжатларни сўрашди. Аввалига кўнмадим, сабаби домлани йўқотганимга кўп ўтмай ҳар куни кўришга ўрганиб қолган шахсий нарсалардан ажралишни истамасдим. Кейин ўйлаб қарасам нотўғри қилибман. Охири ҳужжатлар, баъзи ашёларни беришга рози бўлдим. Ҳақиқатан ҳам музейда Ҳабиб Муҳамедовичга аталган бўлим очишди. Олтмиш тўртинчи йили Москвадан, Бутуниттифоқ Давлат инқилоби музейидан ҳам келиб Ҳабиб Муҳамедовичга тегишли нарсаларни олиб кетишди.

Бир куни Фанлар академиясининг раёсатига иш билан бориб, қайтишимда Собир Азизовичга учрашдим. У кишининг ҳузурида Собир Юнусов бор экан. Мен билан кўришгандан сўнг улар Ҳабиб Муҳамедовични эслашди. Шунда С. Юнусов:

— Ҳабиб Муҳамедович президент эканлар, вице-президент, бўлим мудирларига доимо бир нарсани тайинлардилар. Ҳузурингизга кимлигидан қатъи назар, илтимос билан бирор кишикелса, йўқ демаганлар. Чунки, шу илтимос билан киши сизларни паноҳ тортиб, ёрдамларингга муҳтож бўлиб келади. Бирингла ҳал қила олмасанглар ўзаро маслаҳатлашиб битиринглар. Бордию, шунда ҳам бўлмаса, менга юборинглар. Агар мен ҳам қила олмасам, ўзимдан юқорироқ ва адо қилишлари осонроқ кишиларга мурожаат қиламан. Ваъда қилиб, узоққа чўзманглар. Ҳаммангдар яхши биласизлар, ҳаётда энг оғир нарса кутиш ва мавҳумликдир, — деганларини гапириб бердилар.

Болаларимнинг отаси ҳақида бундай илиқ гапларни эшитиш мен учун ҳам оғир, ҳам ёқимли эди. Начора, ҳаёт бир инсоннинг ўлими билан тўхтаб қолмайди. У давом этади. Ҳабиб Муҳамедовичнинг вафотига бир йилу ўн бир ой бўлгач, Раънохоннинг тўйини ўтказдик. Тўй бўляпти-ю, лабимда табассум, кўзимда эса ёш. Табиатнинг қонуни шундай экан. Инсон ҳар жафога кўнишга, чидашга мажбур экан. Олтмиш тўртинчи йил 30 сентябрда СССР Фанлар академиясининг ер илми бўлими кўчма сессияси Ўзбекистон, Туркманистон Фанлар академияларининг ва иттифоқ Геология давлат комитети иштирокида Тошкентда очилди. Ҳабиб Муҳамедовичнинг вафотидан сўнг геологияга оид қандай йиғилиш бўлса, мени таклиф қилишар, бу сафар ҳам таклифнома юборишган эди.

Сессия очилишига Ш. Рашидов келдилар. Аввал Ҳабиб Муҳамедович вафот этганини айтиб, у кишини хотирлаб бир минут сукут сақлашни сўрадилар. Домланинг ўзлари очиқ кўнгил, бағри кенг, инсонпарвар киши бўлганлари учун қабр устига қўйилган ҳайкалнинг битиши шу катта йиғилишга тўғри келганди. Тошкентлик геологлар маслаҳатлашиб, Ҳабиб Муҳамедовичнинг қабрига ўрнатилган ҳайкалнинг очилиш маросимини шу сессия ёпилишига тўғрилашибди. Йиғилиш қатнашчилари аввал Геология ва геофизика институти деворига ўрнатилган лавҳанинг очилиш маросимида қатнашдилар, сўнг «Чиғатой» қабристонига боришди.

Одам жуда кўп, айниқса, келган меҳмонлар кўпчиликни ташкил қиларди. Ҳайкал устига ёпилган пардани очишганда ҳамма беихтиёр «оҳ...» деб юборди. Чунки Е. В. Вучетич бу асарига бутун истеъдодини, қолаверса дўстлик меҳрини бахш этгани сезилиб турарди. Митингда академиклардан А. П. Виноградов, Д. И. Шчербаков, СССР геология министри Сидоренко ва бошқа республикалардан келган академиклар, профессорлар сўзга чиқишди.

Ҳабиб Муҳамедович вафотининг беш йиллигини ўтказмоқчи бўлишди. Бунга олимнинг ҳамкасблари, шогирдлари ва геология жамияти «Билим» жамияти орқали Фарғона водийсига сафар уюштиришди. Ундан Ҳабиб Муҳамедович туғилган районга — Аравонга бордик.

21 июнда Тошкентда кенгайтирилган илмий совет, геологлар иштирокида катта йиғилиш бўлиб ўтди. Шу кезларда телевизорда Ҳабиб Муҳамедовичга бағишланган кўрсатув уюштирилиб, Ғ. Мавлонов, О. Акромхўжаев, Х. Боймуҳамедов ва мен иштирок этдик.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг олтмиш йиллигларини ҳам, етмиш ёшларини ҳам юбилей сифатида нишонлашди. Албатта, бундай ўтиришлар мени ҳам шодлантирар, ҳам ғамгинлиққа ошно қиларди. У кишини эслаб шунақанги шодиёнадан мамнун бўлсам, Ҳабиб Муҳамедович жуда ёш оламдан ўтиб, шундай йиғилишларда ўзлари қатнашмаганлари ярамни янгилар эди.

Лекин бир нарсадан — ўзи вафот этган бўлса-да номи, ишлари абадий қоладиган, энг муҳими, эл назарига тушган олижаноб инсон фарзандларимнинг падари бузруквори, умр йўлдошим билан фахрланаман. Мен тирик эканман, Ҳабиб Муҳамедовичнинг ҳаёти ва ижодини, қандай шахс бўлганлигини келажак авлодларга етказиб беришда қўлимдан келганча чарчамай хизмат қиламан.

Фотима АБДУЛЛАЕВА

УМР ЙЎЛДОШИМ ҲАҚИДА

МУАЛЛИФ БИЛАН ТАНИШТИРАМИЗ

Суратда: Фотима Абдуллаева.

ҲАР ким тақдирини ўзи яратади, дейишади. Зеро, отасининг, икки акасининг вафотидан сўнг оила тебратишни зиммасига олган ёш Фотимахон ўзи ёқтирган йигитга турмушга чиқаётганида балки унинг келажакда буюк олим, республика геология фанининг етакчиси бўлишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмагандир. Олимнинг умр йўлдоши бўлиш ҳам орзули, ҳам мушкулли «вазифа».

Ўзининг севган касбидан ҳам кечиб, оилада эри истагандек «яхши хозяйка» бўлди. Бироқ ҳаёт текис йўл эмас, унинг озмунча ўнқир-чўнқирлари борми. Оқила, бардошли, сабр-қаноатли аёлгина буларни енга олади.

Фотимахон бу йўлда ҳам адашмади.

Турли миш-мишлар ичини ўртаб, кемириб турганда ҳам ардоқлисига кулиб боқди, унга далда берди, ҳамроҳ, ҳамфикр бўлди. Бир қиз, икки ўғилни ақлли, хушли, ўз одоби, юриш-туриши, гап муомаласи билан одамларда яхши таассурот қолдирадиган қилиб вояга етказди. Улар фалончининг эркатойи эмас, отасининг болалари бўлиб ҳаётга қадам ташлашди.

На иложки, ўлимдан бошқа ҳамма нарсага даво бор. Йигирма икки йиллик меҳрибони бошида қанчалар парвона бўлмасин, жонини фидо қилмасин, ўлимнинг чорасини топа олмай, армонда қолди. Сочларини юлиб, дод-фарёд қилиш бефойда эканини тушунса-да, аммо оғир дамлардаги дардкаши, қувончли кунлардаги ҳамсояси энди буткул йўқлигини, уни бир умрга йўқотганини тан ололмасди. Ҳаётнинг қандай аламли «ўйинлари» бор-а...

Фотима опа бунга ҳам чидадилар.

Энди бу аёлнинг бирдан-бир овунчоғи ўз хонасига кириб, ҳеч кимга, ҳатто фарзандларига ҳам билдирмай, азиз кишиси билан хаёлан суҳбатлашиб, уларни сафид қоғоз юзига туширишдан иборат бўлиб қолди. Гоҳо кула-кула, гоҳо кўз ёшларини тиёлмай хонасидан чиқаркан, набиралари ҳайрон бўлишарди. Шу тариқа аллома Ҳабиб Абдуллаев ҳақидаги хотиралар ёзилди. Зеро, оила устивори, умр йўлдоши ҳақида унинг ҳамдард, ҳамнафас, ҳамфикр рафиқасидан бошқа ким ҳам тўлақонли, жозибали қилиб ёза оларди.

Фотима опа Абдуллаева бунинг ҳам уддасидан чиқдилар.

Вафо, садоқат, меҳр-оқибат тимсолига айланган бу аёлга ҳар қанча таъзим айласак оз.

Умида ФАЙЗИЕВА.

Суратда: Ҳабиб Абдуллаев Миср Президенти Жамол Абдул Носир билан.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Бир инсонда илмий истеъдод билан ажойиб ташкилотчилик қобилиятининг мужассамлашуви — ноёб ҳодиса. Геология фани соҳасида Каниш Имонтоевич Сатпаев билан Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг алоҳида ўзига хос ўрни бор. Икковлари ҳам тоғ жинсларини тўпловчи оддий ходимликдан иш бошлаб, академик даражасига кўтарилдилар, эл ҳурматига сазовор бўлдилар.

В. НАЛИВКИН,
академик.

● Ҳ. М. Абдуллаев илмий асарларига масалаларни дадилик билан ўртага қўйиш хосдир. Шу боисдан ҳам унинг кўпгина асарлари баҳс-мунозараларга сабаб бўлди, бу мунозаралар ҳанузгача ҳам давом этмоқда.

Д. ШЧЕРБАКОВ,
академик,

● Ҳ. М. Абдуллаев ҳаёти ва фаолияти илм-фан ва халқ манфаатларига хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир. Ҳабиб Муҳамедович илмий ва ишлаб чиқариш ташкилотлари билан, у ерларда ишлаётган одамлар билан мустаҳкам алоқа боғлаб, услуксиз қидириб ва изланиб, илмий фаолиятининг самарадорлигига эришди.

О. СОДИҚОВ.
академик,

● Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевни ёдга олар эканман, кўз ўнгимга давлат миқёсида иш тутган арбоб, геология илм-фани тарихида чуқур из қолдирган машҳур геолог олим сиймоси келади.

Ҳ. РАҲМАТУЛЛИН,
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги.

● Ҳ. М. Абдуллаев ғамхўр, сезгир ва айни вақтда қаттиққўл устоз эди. У ҳамиша қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлар ва уларга моддий ёрдам берар эди.

Р. БАРАТОВ,
Тожикистон Фанлар академияси академиги.

АЛЛОМАГА БАҒИШЛАНАДИ

Бугун Тошкентдаги Алишер Навоий номли катта Давлат академик театрида халқимизнинг ажойиб фарзанди, ўз илмий ишлари билан жаҳон фанига муносиб ҳисса қўшган аллома Ҳабиб Абдуллаев хотирасига бағишланган кеча ўтказилади.

Аллома хотирасига бағишланган кеча соат 17.00 да бошланади.

(Охири. Боши газетамизнинг 29, 31 июль, 4, 11, 15 август ва 9 сентябрь сонларида).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

● **Ҳурматли муштарий!** «Ўзбекистон овози» учун 1993 йилга обуна давом этмоқда. Сиз янги йилнинг 1 январидан бошлаб газетани мунтазам ўқишни истасангиз, алоқа бўлимларига, обуна қабул қилиш пунктларига ташриф буюриб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиринг.

● **«Ўзбекистон овози»** ҳозир республикамизда нашр этилаётган газеталар орасида энг арзонидир. Яширмаймиз, газетамиз чакана савдога жуда оз миқдорда чиқарилмоқда. Шунинг учун уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, обуна бўлишни унутманг.

● **Муҳтарам газетхон!** Сиз «зангори экран»нинг энг мукаммал проограммасини ўз вақтида олиб туришни истайсизми?! Бунинг энг қулай йўли «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишдир. Бу газетага обуна бўлиш билан энг камида икки муаммони ҳал қилган бўласиз. Биринчидан, Ўзбекистон телевидениесининг ҳафталик программасини ўз вақтида оласиз. Иккинчидан, программа газетаси сотиб олишга кетадиган 2 сўмингиз чўнтагингизда қолади. Бугунги иқтисодий танглик пайтида бу тўғри йўл. Шундай эмасми, азиз газетхон! Айни пайтда севимли газетингиз бўлган «Ўзбекистон овози»ни мунтазам ўқиб бориш бахтига муяссар бўласиз.

ОБУНА БАҲОСИ: Бир йилга — 384 ярим йилга — 192 сўм уч ойга — 96 сўм.

«Ўзбекистон овози» таҳририяти.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 5. X

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатни асрайлик», «Энг тез ёрдам», Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Паррандачилик — етти хазинанинг бири».
19.40 «Сиҳат-саломатлик».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Толибжон Содиқов таваллудининг 85 йиллигига.
21.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.20 «Тергов давом этади». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Миришкорлар».
20.55 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
21.10 «Хаёлимда ўзинг...».
21.55 «Лаҳза». Хабарлар.
22.05 «Дилдаги гаплар». Обид Асомов ва Ботир Муҳаммадхўжаев билан учрашув.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 12.20, 15.20, 18.20, 21.20— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Эрталабки гимнастика.
9.30 «Кўриб, қулок сол» рукнининг премьераси.
9.50 «Висбаденга саёҳат». Бадиий фильм.
11.20 «Юмор антологияси». Овоз тақлидчиси Ю. Григорьев.
12.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Уолт Дисней таништиради...»
17.10 «Стартинейжер».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Куйга солинган шеърият.
19.00 «Вагон-03» публицистик туркумнинг премьераси. Кўрсатув муаллифи ва уни олиб борувчи А. Тихомиров. 1-кўрсатув.
19.30 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Менинг эрим ўзга сайёралик». Бадиий фильм («Кўнгилочар» фильмлар уюшмаси).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш икир-чикирлари». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 2-серия.
«Янги студия» таништиради:
22.10 «Бомонд».
22.25 «Бироқ».
22.35 «Матбуот клуби»нинг махсус сони.
23.15 «Вазият».
23.45 «Блиц-прогноз».
00.35 «ОБА-НА». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.15 Тхэквандо бўйича халқаро турнир.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Кузирхоним».
9.20 «Трехпрудний хилват кўчасига бориб кел». Ҳужжатли фильм премьераси.
9.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
10.00 «Агар сиз...».
10.30 Театр сафари. А. Васильевнинг «Серсо» спектаклида.
11.50 Мульти-пульти.
12.00 Кундузги сеанс. «Кузатувчи». Бадиий фильм.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.50 «Бола тилидан».
16.20 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.40 «Рост» студияси. «Франция бўйлаб саёҳат».
17.10 Янгиликлар.
17.25 «Инсон меҳнат бозорида».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Манзарали фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.
19.00 «Омад».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.20 Душанба куни детектив. «Тергов». Бадиий фильм.
21.50 Спорт кўрсатуви.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 «Америка юлдузлари».
22.55 Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан.

Сешанба, 6. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Руҳ», «Мусаввир». Телефильмлар.
8.30 «Сеҳрли саргузашт». Бадиий фильм.
9.40 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Ахборот. Уни ўлчаш ва кодлаш усуллари.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Болалик чоғларимда». Мультфильм.
18.20 Спорт байрами.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Спортлото».
19.25 «Маҳалла — ҳаёт мактаби».
19.55 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Пахта терими кундалиги.
21.15 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 Х. Султонов. «Мозийдан бир саҳифа». Видеофильм. 1-қисм.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Менинг маҳаллам».
19.30 «Уй-жойларни хусусийлаштириш — бозор иқтисодиёти талаби».
20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.20 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 12.20, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Қанотсиз ғозча». Мультфильм.
9.30 «Ясная Поляна қушиқлари».
10.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.55 Футбол шарҳи.
11.30 «Турмуш икир-чикирлари». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 2-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.25 «Жамайка». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.30 «Сенинг аканг Валентин». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.55 «Театр». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 Ишбилармонлар хабарномаси.
15.40 «Ён дафтар».
15.45 «Қишлоққа бобом ҳузурига». Телефильм премьераси (Владикавказ).
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 Кичик концерт.
17.10 «Қизлар орасидаги гап».
17.50 «Нодир живопислар». Телефильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «Вагон-03». 2-кўрсатув.
18.50 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.35 «Навбат сизга артист». Е. Ласько (джаз).
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Режиссёр А. Вайда фильмлари. «Жангдан кейинги манзара».
23.05 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
23.15 «Кремль деворлари ортида».
23.45 «Ҳайкалтарош». Телефильм.
24.00 Янгиликлар.
00.35 «Бу телба, телба, телба Краснов». Ҳужжатли фильм премьераси.
01.20 Спорт кўрсатуви.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Ҳайвонот оламида».
9.50 Вариацияли мавзу. «Поручик Галицин, руҳан тушиб кетманг!».
10.45 «Шчёликов ҳақида меҳр-муҳаббат ва ташвиш билан».
11.05 Кундузги сеанс. «Голливудга бораётган поезд». Бадиий фильм.
12.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
12.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

14.40 Телебиржа.
15.10 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
15.45 «Арзамас-16».
15.55 «Тилла новда».
16.55 «Рост» студияси. «Ун беш ёшли капитан».
17.25 Янгиликлар.
17.40 «Келинг, аниқлаб олайлик».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Амалий санъат». Ҳужжатли фильм.
18.30 Хабарлар.
18.45 Халқ рақслари.
19.00 «Серташвиш оила».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 Қўшиқлар китоби.
21.05 «Ҳазонрезгилик».
21.55 Туркия манзаралари.
22.00 Хабарлар.
22.20 Ҳужжатли фильм.
22.45 «Хонанда».
23.20 Экранда Туркия киноси.

Чоршанба, 7. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Рақс соҳибаси». Телефильм.
7.55 «Лайлак келди, ёз келди». Бадиий фильм.
9.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Устоз».
10.05 Турк тили.
10.35 Узбекистон композиторларининг романслари.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Яшил орол сири», «Ўйқу салтанати». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Қўнғироқча».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Наманган сеҳргарлари». Телефильм.
19.40 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ҳуқуқимизнинг олий дастури».
21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.00 Х. Султонов. «Мозийдан бир саҳифа». Видеофильм. 2-қисм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Шарқ лирикаси».
20.00 «Бизнинг интервью».
20.20 «Эсдалик учун дастхат». Ретро услубида мусиқа.
21.20 «02» тўлқинида».
21.40 «Кино ва замон». Кинодраматург О. Агишев билан суҳбат.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 9.20, 11.55, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.25 «Брэйн-ринг».
10.15 «Қизлар орасидаги гап».
10.55 Радонеж ва Бутунроссия роҳиб отаси вале Сергий хотирасига бағишланган тантанали юбилей тадбири. Союзлар уйининг Колонна залидан кўрсатилади.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Жамайка». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.30 «Рояль билан домино учун этюд». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.50 «Театр». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 «Телемикст».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.35 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
17.55 Концерт. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (18.55) — Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.55 «Назарбоевча муросаи мадора». Телефильм премьераси.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Марк Захаров мовизмлари».
22.20 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
22.30 «Манбалар» туркумидан. Телефильм.
22.50 И. Тальков ҳақида телевизион бадиий-публицистик фильм премьераси.
23.45 «Парасолька ва автомобиль». Катталар учун мультфильм.
24.00 Янгиликлар.
00.20 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Сиёсий арбоблар даврасида.
9.50 Мусиқа устахонаси.
10.50 Россия қобусномаси. «Ёшлигимизда ўйнаб кулиб қолайлик».
11.30 «Асил ҳолича...».
12.25 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман».
12.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
12.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.00 «Хусусийлаштириш. Нуқтаи назарлар».
15.30 «Трансросэфир». «Николай Кузнецовга суиқасд».
16.15 Христианлар учун кўрсатув.
16.45 Вариацияли мавзу. «Россия оҳанглари».
17.15 Янгиликлар.
17.30 Мульти-пульти.
17.40 Спорт кўрсатуви.
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Мемнуне миллиардер».
18.30 Хабарлар.
18.45 Болалар даврасида.
18.50 «Қора денгиз». Ҳужжатли фильм.
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 Концерт.
20.40 Истамбул, «Чарши» бозори.
21.10 Видеофильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.20 МХЛ кубоги. МАСК — «Спартак» (Москва). МАСК спорт саройидан олиб кўрсатилади (давоми).
22.55 Россия Конституцион суди залидан.
23.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
23.55 «Оркестр». Мусиқий фильм-балет.

Пайшанба, 8. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Нонни эъзозланг». Кинопрограмма.
8.35 «Қизни топинглар». Бадиий фильм.
10.00 Араб тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбек адабиёти. А. Қодирий прозаси.
11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталаримиз жасорати».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Узбекистон халқлари тарихи.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сахий эртак». Мультфильм.
18.25 «Алифбо сабоқлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қомусий билимлар соҳиби». Академик Ҳабиб Абдуллаев.
19.40 «Куй — дил малҳами». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Салом, фестиваль!». XI Тошкент халқаро кинофестивали.
21.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.20 «Ажойиб хаёлпараст». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Ҳамма учун байрам».
19.20 Узбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 21.20, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.50 «Ҳа».
11.20 «Ойнаи жаҳонда фортепиаано куйлари». Л. Тимофеева чалади.
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
14.10 «Оби-ҳаёт». Мультфильм.
13.20 Телефильм.
13.30 Кинолавҳа.
Кундузги киноэкспресс
13.35 «Бекат назоратчиси». Телевизион бадиий фильм.
14.40 «Икки кишилик сўқмоқ». Телефильм премьераси (Пермь).

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20 «Телемикст».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 «Култук кампирлари». Телефильми премьераси (Иркутск). Байкал соҳилларида яшовчи аёллар ҳақида.
17.40 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.00 «Вагон-03». 3-кўрсатув.
19.30 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
20.15 «Максима».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 М. Цветаева таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кўрсатув.
22.05 «Ҳарбий ревю».
22.30 Муслим Магомаев ҳузурида меҳмонда.
23.15 «Талаб қилинган кино».
24.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Бизнес ва сиёсат.
9.45 Христианлар учун кўрсатув.
10.15 «XX аср кадрда ва кадр ортида». А. А. Ханжонков. 1-қисм.
11.15 Вариацияли мавзу. «Дўстлар уйи».
11.45 «Тилла шпора».
12.15 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
12.30 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 82-серия.
13.20 Мульти-пульти.
13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.55 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.15 «Бозорга ўрганайлик».
15.45 Россия қобусномаси. Сергей Радонежский. 3-қисм. «Куликово жанги».
16.15 Кипрас Мажейка, НАТОдан репортажлар. «НАТОнинг кўз ва қулоғи».
16.45 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
17.30 Янгиликлар.
17.45 «Ҳар бир кун байрам».
17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Ёшлар».
18.30 Хабарлар.
18.45 «Ислом маданият ёдгорликларида».
19.30 Хабарлар.
19.50 «Сезам» кўчаси.
20.20 «Дагарджик». Мусиқали кўрсатув.
21.10 «Катта опа». Видеофильм.
21.55 Манзарали фильм.
22.00 Хабарлар.
22.20 Спорт.
23.10 Радиодаги концертлар.

Жума, 9. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Бастакор Мухторжон Муртазоев». Фильм-концерт.
8.00 «Петькани кўрган борми!». Бадиий фильм.
9.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
9.50 «Сени излайман». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Ҳужайранинг тузилиши.
11.00 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Умид» (уйғур тилида).
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Ҳашоратларнинг турли туманлиги.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.25 «Гулбоғ лавҳалари». Телеочерк.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ғўза селекцияси маркази».
19.40 ЎзТВ хазинасидан. Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Ҳуқуқимизнинг олий дастури».
21.30 Пахта терими кундалиги.
21.45 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Довюрак қўён ҳақида эртак». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.30 «Йўлак» («Қирғизтелефильм»).
18.50 «Севги муаммолари ҳақида суҳбатлашамиз». Светлана ва Улан Токомбаевлар.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Эл дуйнуси». Қирғиз тили байрами.
20.30 «Сен суйгон обон». Н. Шерқулов.
21.00 «Қурултойдан кейинги ой». Қирғизистон Республикаси халқ ёзувчиси, Жаҳон «Қирғиз эл» жамғармасининг раиси Т. Қосимбеков.
21.30 «Ала-Тоо».
21.50 «Назар» (эълонлар, билдирувлар).

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Содиқ дўстлар». Мультфильм.
9.30 Радонеж ва Бутунроссия роҳиб отаси вале Сергий хотирасига бағишланган тантанали ибодат маросими. Троиц-Сергий лаврасидан кўрсатилади. Танаффус пайтида (12.00) — Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
13.30 «Ўзинг билан олиб кет». Телевизион бадиий фильм.
14.45 «Энг билимдон қўён». Мультфильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 «Марказ».
17.45 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Плюх ва Плих». Мультфильм.
18.35 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.35 Миниатюра.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ёлғиз эркак учун қопқон». Бадиий фильм (Кўнгилочар фильмлар уюшмаси).
22.55 А. Майкапара чалади (клавесин).
«ВИД» таништиради:
23.10 «Сиёсий бюро».
23.40 «Музобоз».
01.00 «Авто-шоу».
01.15 «Хит-конвейер». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Ватаним менинг».
9.50 Кипрас Мажейка. «НАТОдан репортажлар».
10.20 Марини театрида мавсумнинг очилиши.
11.20 «XX аср кадрда ва кадр ортида». А. А. Ханжонков. 2-қисм.
12.20 «Ретро-шлягер».
12.45 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 83-серия.
13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.35 Телебиржа.
16.05 «М-трест».
16.20 Янгиликлар.
16.35 Жума кунлари Уолт Дисней. «Спунер». Бадиий фильм. 2-серия.
17.30 «Чашмалар».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Осиё тароналари».
18.30 Хабарлар.
18.45 Халқ рақслари.
19.00 «Ўрта Осиё». Ҳужжатли фильм.
19.30 Хабарлар.
19.45 «Сезам» кўчаси.
20.15 «Хонанда».
21.45 Видеофильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Ойнаи жаҳонда премьера. «Сизни кузатиб қўйишга рухсат этинг». Бадиий фильм (Франция).
23.45 «Оқ қарға».
00.30 «Шарман-шоу».

Шанба, 10. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
9.25 «Мушоҳада».
10.05 Ўлмас Умарбеков. «Ўз аризасига кўра». Ҳамза номидаги Узбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
11.45 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Самсон ва Салли». Мультфильм.
12.45 «Андижон лавҳалари».
13.20 Султонпошша Удаева куйлайди.
14.00 Футбол майдонларида.
14.40 «Ишбилармонлар ҳузурида».

* * *

18.00 «Бўрсиқ учун уй». Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Шаҳрисабз». Телефильм.
19.35 «Ижод саҳифалари». Тўлан Низом.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 XI Тошкент халқаро кинофестивали. «Фестиваль учрашувлари».
22.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ойдин кечалар».
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт — имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
15.00 Янгиликлар.
15.20 А. П. Чехов номли I халқаро театр фестивалига. «Астра» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси таништиради: «Бир спектакль репетицияси ёки Владимир Пахомов тахмини».
16.30 «Ҳайвонот оламида».
17.10 «Қизил квадрат».
17.50 «Ёнотлар». Кўп серияли мультфильм.
18.15 «Бахтли тасодиф».
19.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Телпак». Бадиий фильм («Мосфильм»).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Михаил Жванецский. «Танҳо ўзи».
22.25 «София Ротару учун гуллар». Концерт программаси.
23.45 «Саҳнанинг орқа томонидан. Табассум билан». А. Панкратов-Черний.
24.00 Янгиликлар.
00.40 Охирги сеанс. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Фариштанинг қалби». Бадиий фильм (АҚШ).

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ҳужжатли панорама. «Бир шаҳар тарихи».
9.20 Мульти-пульти.
9.30 «03» кўрсатуви.

*

10.00—11.15
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Яна бир бор меҳр-шафқат ҳақида».
«Бизнен мирас» (татар тилида).

*

11.15 Кундузги сеанс. «Баҳоларсиз ўтган тонг». Бадиий фильм.
12.20 «Қалб сайли». Ёзувчи Георгий Семёнов.

*

12.50— 15.00
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

«Ҳамкорлик».
«Чисен» (корейс тилида).
«Манбалар».
«Поляклар меҳмонхонаси».

*

15.00 «Лого» телеўйини.
15.30 «Бурда моден» таклиф этади...».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.00 «Инсоният бойлиги». Видеофильм.
16.35 «Хонанда».
17.25 «Шифокорлар». Видеофильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Хабарлар.
18.20 «Дораэмон». Мультфильм премьераси. 5-серия.
18.35 «XX аср комиклари». Чарли Чаплин. Кўрсатувни Э. Рязанов олиб боради. 1-қисм.
19.30 «Шчеликов ҳақида меҳр-муҳаббат ва ташвиш билан».
19.50 Чегарасиз футбол.
20.45 «Сигнал».
21.00 «XX аср комиклари». Чарли Чаплин. 2-қисм.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 Қувноқ шамол.
23.20 Экранда Туркия киноси.
00.50 Туркия манзаралари.

Якшанба, 11. X

● ЎзТВ I

7.00 «Она-заминни асранг» Кинопрограмма.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Йўлбарсга муҳтожмиз». Бадиий фильм.
9.40 Тэквондо. Жаҳон чемпионати. 2-кўрсатув.
10.25 «Аёл қалби наволари». Мусиқий кўрсатув.
11.15 «Чорраҳа».
11.50 «Нақшингиз хумориман».
12.20 Сарвар Азимов. «Кўзлари чўллон». Теленовелла.
13.05 «Халқ ижоднёти».
13.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истеъдодларни излаймиз».

* * *

18.00 «Баҳодирлар бўтқаси», «Лизиков кўчасидаги мушукча». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.40 «Мерос». Нодира таваллудининг 200 йиллигига.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Пахта терими кундалиги.
21.15 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 «Сирли шарча». Кинокомедия.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Мезгилбектин мезгили», «Ачик конул балдарбиз», «Дидар-шоу», «Лялька—Руслан ва унинг дўсти Санька». Бадиий фильм. Мультфильмлар.

* * *

18.05 «Оддий, хавфли саргузашт». Мультфильм.
18.15 «Бобок, сенин жомогун».
19.10 «Даги бир ирет жер жонундо». Ер жамғармасидан самарасиз фойдаланиш ҳақида.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 Бутундунё қирғизларининг биринчи қурултойи тантанали концерти.
20.50 «Адабиётчи С. Раев».
21.20 «Аёл». Телепостановка.

● «ОРБИТА IV»

6.20, 7.50, 14.55, 18.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 Жаҳон халқлари ижоди.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спортлото» тиражи.
8.45 «Чўчқабоқар». Мультфильм.
9.05 «Эрта саҳарлаб».
9.35 «Сиз бунга қодирсиз».
10.15 «Тонг юлдузи».
11.05 «Соло».
11.35 «Марафон-15».
12.20 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 13-серия.
**12.45 Кўп серияли ил

• *Мустақиллик шарофати*

АМЕРИКАЛИК ЁШЛАР УНИВЕРСИТЕТИМИЗ ТАЛАБАЛАРИ

Ўтган йили биринчи маротаба университетда «Ўзбекистон—Америка ишбилармонлар мактаби» ташкил этилиб, хайрли ишга қўл урилди. Шу йилнинг ўзида университет талабаларидан 20 нафари АҚШнинг Оачита ва бошқа университетларига ўқишга йўлланди. Улар 10 ой давомида менежмент, маркетинг ва бухгалтерия ҳисоби каби фанлар бўйича билим олдилар.

АҚШнинг Консерциум университети профессорлари бизнинг ишбилармонлар мактаби талабалари орасидан иқтидорли ёшларимизни саралаб олишганди. Талабаларимиз америкалик ёшлар билан рақобатлаша олдилар. Океан ортида ўқиб, илм олишни ўрнига қўйган бўлажак мутахассисларимиздан бир гуруҳи яқинда диплом ишларини инглиз тилида муваффақиятли ҳимоя қилишди.

Маълумки, ҳозир Ўзбекистон оғир иқтисодий шароитни бошдан кечирмоқда. Бозор иқтисодиёти ва мустақилликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш малакали ёшларнинг амалдаги ишлари билан боғлиқдир. Зеро, ҳар бир талабани АҚШда ўқитиш учун тахминан 12 минг доллар керак бўлади. Ваҳолонки, олий ўқув юртлари ўз валютасига эга эмас. Шунга қарамай, университетимиз раҳбарияти тадбиркорлик билан имкониятларни ишга солиб, ёшларимизни АҚШнинг турли университетларига ўқишга юборди. Айни пайтда АҚШдан бир гуруҳ ёшлар йиллик ўқиш учун университетимизга келишди. Улар Калифорния штатидан Каутон Джейн, Жанубий Каролина штатидан Боннет Росс, Техас штатидан Гарравэй Сюзэн бўлиб, Хардин-Симонс университетининг талабалари ҳисобланади.

АҚШ ёшлари ўзбек ва рус тилларини ўрганиб, республикамиз иқтисоди тарихи ва маданияти билан яқиндан танишмоқдалар. Улар учун университетимизнинг халқаро иқтисодий муносабатлар факультети профессор-ўқитувчилари томонидан алоҳида дастур тузилган. Америкалик ёшлар мустақил Ўзбекистон ҳақида ўзларининг дил сўзларини баён қилиб, яратилган шарт-шароитлардан мамнун эканликларини изҳор қилишмоқда. Ўзбекистон ва Америка ўртасидаги бундай ўзаро алоқалар ўз самарасини беради, деган умиддамиз.

Д. РАСУЛОВ,
Тошкент Давлат иқтисод университетининг ХИМ факультети декани.



СУРАТДА: Тошкентда билим олаётган америкалик ёшлардан бир гуруҳи.

ХАЙРИЯ ЭЪЛОН

ОТАМНИ БИЛГАНЛАР БОРМИ?

Яратганга шукур, она-Ватанимизни мустақил кўрдик. Эссиз, 20—30-йилларнинг қатағон йиллари халқимизнинг не-не фарзандларининг бошига етиб, улар бу кунларга етиша олмади. Отам раҳматли Садриддинхўжа Азизхўжа ўғли ҳам ўша қатағон йилларидаги ноҳақликларнинг қурбони бўлди. Падари бузрукворим ўз даврининг кўзга кўринган, ўткир зеҳнли кишиси, ўктамликда беназир домласи бўлган эди. Уни ёшларга диний таълим беришда, диний китобларни тарқатишда айблаб қаттиқ қийноқларга дучор қилдилар. Шу маломатлар туфайли олдин отамдан, кейин онамдан айрилдим. Бировларнинг уйида тирикчилик қилиб катта бўлдим. 1939—1945 йилларда иккинчи жаҳон урушида қатнашдим. Ғалабадан сўнг турли соҳаларда ишладим.

Ҳозир пенсиядаман. Бир қизим, ўн бир набирам бор. Етмиш беш ёшга кирганман. Аҳён-аҳёнда отам раҳматликни кўрган-билганлардан эшитганларим ёдимга тушади: «Садриддинхўжа Азизхўжа ўғли Хўжа Ориф қишлоғидаги Моҳитобон мачитида ва ўз уйида мактаб очиб маърифат тарқатган. Илм олишга шу қадар берилганидан 40 ёшидаёқ мударрислик унвонига эга бўлганлар».

Рости, отам ҳақида мен кам биламан. Уни кўрганлар, у ҳақида эшитганлар бордир? Улардан отам ҳақидаги, менинг ўтган авлодим тўғрисидаги хотираларни ўртоқлашишни истардим.

Зайниддин Садриддинхўжа ўғли
Бухоро вилоятининг Шофиркон районидаги Хўжа Ориф қишлоғида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси, нафақахўр.

• ФЕЛЬЕТОН •

ҚИЗЛАР БАЗМИДАН ЧИҚҚАН ҚОТИЛЛИК

Шу куни эрталабдан Азизнинг кайфияти чоғ эди. Балки унинг кўнгли эртасига бўладиган тест синовлари натижаларини олдиндан сезгандир? Ота-онаси, унга таълим берган устозлари олдида юзи ёруғ бўлишини ҳис этиб, ҳаяжонга тушгандир. Балки ҳеч қачон ота-онаси измидан чиқмаган, уларга бирон оғиз сўз қайтармаган Азизжон синов натижалари олдидан улар кўнглига шубҳа солмаслик, оз бўлсада озор бермаслик учун ўзини шундай сокин тутгандир? Шуниси аниқки, унинг ўша кунлардаги яккаю ягона орзуси олийгоҳга кириш, бу ҳақдаги хушхабарни эшитган ота-онаси, қариндош-уруғларининг қувончини кўриш эди. Афсуски, бу хабарни эшитиш, унинг ўзига насиб қилмади. Туғишганлари эса Азизнинг олийгоҳга қабул қилинганини унинг ўртоқларидан эшитишди. Эртага уни қандай шум тақдир кутаётганини Азиз билармиди?...

ТОҒАСИНИНГ тўйидан қайтган Азиз ўзлари яшайдиган кўчада икки ўртоғининг суҳбатлашиб туришганини кўрди. Ў ҳам суҳбатга қўшилди. Аҳмад ва Илҳомлар қайсидир «қизлар мажлиси»дан чиқишган экан. Шу пайт кўчадан келаётган 5—6 нафар йигит ҳамсуҳбатлар билан апил-тапил саломлашиб ўтиб кетишди. Аммо тез қайтишди. Гап-сўзларидан уларнинг кайфиятлари нохушлиги сезилиб турарди. Улар ҳамсуҳбатлар билан қайтадан кўриша бошладилар. Шу пайт Фурқат исмли йигит Азизга «Нега биз билан ўрнингдан туриб саломлашмайсан?» деб пўписа қилиб қолди. Азиз улар билан ҳозиргина саломлашганлигини айтди. Аммо Фурқат буни эшитишни хоҳламади. Чўккайиб ўтирган Азизни тепа кетди. Азиз сулайиб қолгач, йигитлар жўнаб қолишди. Воқеадан хабар топган Азизнинг отаси Абдуманнон Султонов бу ерга етиб келганда ўғли аллақачон ҳаётдан кўз юмган эди. Унинг қотили шу кўчада яшовчи қўшниси Фурқат Муродов эканини, ҳамроҳлари бир товоқдан ош еб, элнинг маъракаларини бирга ўтказиб юрган қишлоқдошларининг фарзандлари эканлигини эшитгач, даҳшатда қолган отанинг юрак бағри музлаб кетди.

Жиноятнинг асл сабаблари, жиноят илдизларини маъмурий идораларнинг қилни қирққа ёрадиган ходимлари очиб беришар, айбдорлар тегишли тарзда жазоланишар. Лекин бу ерда бизни таажжублантирган, ташвишга солган муаммолар анчагина. Жиноят содир бўлган Жиззах райони ҳудудида, айнан Навоий номли жамоа хўжалигида, Советобод қишлоқ Кенгашида ишчи-хизматчилар, турли табақадаги раҳбарлар билан суҳбат чоғида афсуски, эндиликда бот-бот содир бўлаётган бу каби жиноятлар, қонун ва тартиббузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Минг афсуслар бўлсинки, аксарият жиноятларнинг илдизлари меъёридан ошиб-тошиб кетган тўйларга, уларда ичкиликбозлик авжга минганига бориб тақалади...

Ҳозир биз ҳар икки гапимизнинг бирида иқтисодий танглик, турмушдаги қийинчиликлардан нолиймиз. Нарх-навонинг кунданкунга кўтарилиб кетаётганлиги учун билиб-билмай, ҳатто иқтисодий сиёсатдан камчилик қидирамиз. Аммо вилоятнинг бир қатор районларида ўтказилаётган тўйлар ва ҳатто «қизлар базми»да бўлган киши исрофгарчилик ва ичкилик дарёсидан ёқа ушлайди. Биз бу билан ҳамма тўқ, фаровон яшаяпти, тўкин-сочинлик, демоқчи эмасмиз. Асло. Лекин айрим бойваччалар ёзган дастурхон, улар ўтказган дабдабали тўю маъракани кўрган халқ ўшалардан орқада қолмай деб, орият учун қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам керак-нокерак маъракаларни ўтказишга интилмоқдалар. Маҳаллий раҳбарларнинг бўлаётган воқеаларга сукутлари, айрим ҳолларда ўшандай дабдабаларда иштирок этишлари, назаримизда, бундай «ким ошди» маросимларини қўллаб-қувватлагандай. Бўлмаса, айни миллий анъаналаримиз тикланаётган жараёнда тўй-томошаларни ўтказишни тартибга солиш, уларга бошқош бўлиш ўрнига бу қадар ҳавойиликларга, ортиқча сарф-ҳаражатларга йўл қўйилаётганлигини бошқача қандай изоҳлаш мумкин?

«Советобод» қишлоқ Кенгаши раиси Ўктам МЕЛИЕВ сўзидан:

— Келин-куёвлар ЗАГСдан ўтишгач, йигитнинг зиёфатига жўнашади. Кечқурун эса қиз томонда «қизлар давраси». Бундай ортиқча дабдабаларни тўхтатиб бўлмаяпти. Бир мисол. Шарофхўжа Турсунов деган ҳамқишлоғимиз Илҳом Собиров билан қудалашди. «Қизлар давраси»нинг кераги йўқ, деб бир неча бор айтдим. Барибир ўтказишди. Кеча охирида жанжал қилиб, йигитлардан бири шифохонага тушди.

Миллий анъаналарни тиклаш деганда халқимиз имон эътиқодни, шарм-ҳаёни, миллий ғурур кабиларни ҳам қайта шакллантиришни тушунади. Назаримда ўз номи билан «қиз мажлиси» деб аталадиган даврага куёвнинг жўралари билан бориши йигитларга хос фазилат эмас. Ёки ҳали мусулмонча никоҳ билан қовуштирилмаган қизнинг нафақат йигитникида зиёфатда бўлиши, балки бўлажак қайнона, қайнотаси кўзига кўринишининг ўзи одобдан эмас. Районда эса бундай тадбирларнинг тобора анъанага айланиб бораётгани ташвишланарли ҳолдир.

Район ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция подполковники Соат ЯҲЁЕВ сўзидан:

— Йигирма олти йилдан бери катта-кичик тўйларда раислик қилиб келаман, — дейди Жиззах шаҳридаги ўратепалик маҳалла қўмитаси аъзоси Абдулла Аҳмедов биз билан суҳбатда. — Тажрибадан маълумки тўйлардаги нохуш воқеалар асосан ичкиликнинг кўп берилиши ва давранинг ҳаддан ташқари чўзилиб кетиш оқибатида содир бўлади. Очиқ айтиш керак, ҳалигача келинни кеч соат 9—10 ларгача тутиб, тўйхонага юбормай туришади. Юзлаб кишилар эса тўй кечасининг бошланишини кутиб зерикишади. Натижада обрўйини сақлаган кишилар тарқаб, давра тақдири фақат томошаталаб, ичкиликка рўжу қўйган кишиларга қолади.

Райондаги катта-кичик раҳбарларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, улар қайси соҳа кишилари бўлмасин тўйларни ортиқча харажатларсиз, дабдабаларсиз ўтказиш кераклигини, ичкиликбозликка қатъиян чек қўйиш лозимлиги ҳақида гапиришади. Бу яхши, аммо қандай қилиб амалда бунга эришиш мумкин? Ўша раҳбарларнинг ўзлари шунга интилишяптими? Сўз билан амалдаги иш уйғунми? Бу саволларга жавоб бериш қийин. Сабаби, қатор чоралар кўрилаётган, тадбирлар белгиланаётган бўлсада, уларнинг самараси сезилмаётир, ижроси таъминланмаяпти.

Ўзбекистон халқ депутати, Навоий номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Тўпа РАҲМОНҚУЛОВА сўзидан:

— Бугунги ёшларимиз бебош бўлиб кетди, гап олмас, ўзбошимча, деган гапларни айтишга эринмаймиз, айбни Европа маданияти билан бирга кириб келган ёмон хислатларга тўнкаймиз. Эҳтимол, бу маълум даражада тўғри ҳам. Лекин асосий айбдор ўзимиз эканлигини тан олгимиз келмайди, Хўжалигимизда фожиа содир бўлмагунча ҳеч ким ёшларимиз ҳаёти билан қизиқмади. Кечқурунми, ярим кечами ёш-ёш йигитчалар юришади. Ҳатто кўпчилиги ширакайф, лабида сигарета. Ота-она тергамагач, юраверадида. Биз эса уларни назорат қилиш ўрнига киссасига пул солиб қўямиз. Бундан 5—10 йил бурун мактабда дарс тугадими, ўқувчиларни ишга олиб кетишарди. Уларни пахтадан озод қилиш билан дайдилик, жанжалкашлик касалига чалинтириб қўймадикмикан?

Жамоа хўжалигимизда 214 нафар ишсиз бор экан. Бу фақат рўйхатга олинганлари бўлса керак. Мен юқоридаги сўзларим билан болаларимизни умри далада ўтсин, демоқчи эмасман, уларнинг ҳаётлари мазмунли бўлиши тарафдориман. Меҳнатга ўрганган ёшларнинг кетмон кўтариб далага чиқиб кетавериши осон бўлишини таъкидламоқчиман. Қолаверса, меҳнат қилган инсон ҳеч қачон оқибатсиз бўлмайди. Шундай экан, энг аввало бекорчиларни ишга жалб этиш муаммосини ҳал этиш керак. Далада иш кўп, аммо ёшларимизнинг кўпчилиги бундай меҳнатдан ор қиладиган бўлиб қолишди. Биз эса ишчи кучи зарур бўлиб қолса талабаларга ёпишамиз.

Яқинда Навоий номли жамоа хўжалигида юз берган мудҳиш воқеа Советобод қишлоқ Кенгашида оқсоқоллар томонидан муҳокама этилди. Жамоа фахрийси Исҳоқ ака Йўлдошев турли маъракалардаги дабдабабозликларни қўшни район ва қишлоқлардан, хўжаликлардан нусха кўчираётган катталарнинг айби, деб изоҳлади. Энг афсусланарли томони ҳам ана шунда. Нима бўлганда ҳам ёшларимизнинг ҳаётида унутилмас бўлиб қоладиган, энг қувончли кунларида содир этилаётган нохуш воқеаларнинг олдини олиш зарур. Керак-нокерак дабдабали тўй ва маъракалар ўтказиш ўрнига маданий турмуш кечириш, келажагимиз бўлган болаларимизни яхши едириб, кийинтиришимизни ўйлашимиз лозим. Бугунги кунда кийимга зор бўлган, қишнинг аёзли кунларида иссиқ оёқ кийимисиз, уст-боши бут бўлмаган ўғил-қизларимиз борлигини инкор этиб бўладими?! Бу йўқчиликдан эмас, асло, боридан билиб, расамади билан фойдалана олмаганлигимизда эмасми? Ахир тўй ўтказиб, қарзга ботиб, шипшийдон бўлган оилалар озмунчами?!.

Жиззах ўзининг севимли фарзанди, атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидовнинг табаррук 75 ёшини нишонлашга тараддуд кўрмоқда. Тантаналарга нафақат жумҳуриятимиздан, балки хорижий эллардан ҳам меҳмонлар келиши аниқ. Улар хонадонларимизнинг меҳмони бўлишади, тўю томошаларимизда иштирок этишади. Истагимиз шуки, ўша меҳмонлар бу айём ҳақида, унинг меҳнаткаш инсонлари ҳақида ажойиб таассуротлар билан қайтишса деймиз. Бунинг учун тарихий удумларимиз, урф-одатларимизни эъзозлашнинг ўзи ҳам кўп нарсага татийди.

Азалий урф-одатларимиз, миллий анъаналаримизга кўра отабоболаримиз тўй-томошаларини мароқли ўтказиш учун «қулоқ чўзма», «оқ суяк» каби халқ ўйинларидан кенг фойдаланишган. Тўйларда улоқ, кўпкари, кураш мусобақалари уюштириб, ёшларни жасур, довюрак, баркамол бўлишга даъват этганлар. Халқ ўзининг мард, полвон ўғлонларини ҳамиша эъзозлаб, улар билан фахрланиб юришган. Ҳар бир тўй, мусобақалар келишини орзиқиб кутишган. Ўз эли, юртининг довруғини оламга етказган полвонларнинг номлари бугунги кунда ҳам халқ орасида эъзозланаяпти. Мана уларнинг айримлари: Бахмал районидан ака—ука чавандозлар Эргаш, Холбўта, Ўрол полвон Холтемировлар, Усмон полвон Акромов, Абдумалик полвон, Исрофил полвон, Жовли полвон, Жиззах районидан урушдан кейинги йилларнинг машҳур полвони — Назармат полвон, Парда полвон Соатов, Қайнар полвон, Бурхон полвон, Босим полвон, Хидир полвонлар... Уларнинг довруғи Зарафшон водийсида машҳур эди. Жаҳонга машҳур Амир Темур дарвозаси атрофида қадим аждодларимиз гўзал анъаналари билан донг таратган эдилар. Бугун-чи? Бугунги тўйларимиз тўй эмас... Ҳамма ичган, маст-аласт... Охири кўнгилхиралик билан тугайди. Нега шундай? Нега биз шунчалик тубанлашиб кетяпмиз? Тўйларни ким назорат қилади, ким тартибга солади? Бундай саволлар миянгизда чарх уравераді. Аммо...

Бутун меҳнат фаолиятини болалар тарбиясига боғлаётган оддий қишлоқ муаллими Абдуманнон Султонов билан гаплашиш биз учун анча оғир кечди.

— Азизжон ўн саккиз йиллик умри давомида на менга, на онасига бирор оғиз қаттиқ гапирган бўлганида, оилада, маҳалламизда бирор кишининг раъйини қайтарган бўлганида ҳам майли эди. Эртага олий илмгоҳимиз талабаси бўлиш иштиёқида ҳаётга тўймай турганда бу оламдан кўз юмди. Уни жувонмарг қилдилар!..

Абдуманнон аканинг кўзларидан оққан ёшни кўрган, унинг қалтираган ҳазин овозини эшитган ҳар қандай инсоннинг вужуди ларзага келиши табиий эди. Ота ўғлининг ўлими юзасидан очиқ суд ўтказилишини талаб қилмоқда. Худди шу фикр қишлоқ Кенгашида бўлган йиғилишда ҳам билдирилди.

Алқисса, тўйлар ўз меъёрида, тартибли бўлгани маъқул. Ахир халқимиз «Кўрпангга қараб оёқ узат» дейдилар. Айниқса, ҳозирги тақчиллик пайтида дабдабали тўйлар инсофданми. Бошқалар-чи? Ахир беш қўл баробар эмас-ку!

Бугун турлича савдогарлик, қотиллик авж олаётган Жиззах вилоятида нималар бўляпти ўзи? Бунчалик маънавий тубанликнинг боиси нимада? Тўйларимиз азага айланмасин. Тўйларимиз тўйдек ўтсин! Биз бунга нима дейсиз!

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдужалил ҚАЮМОВ,
«Жиззах ҳақиқати» вилоят газети мухбири.

• *«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар*

«СУВГА ЧЎККАН ҚАЙИҚЛАР»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 1992 ЙИЛ 5 СЕНТЯБРЬ

Самарқанд вилоят ҳокимлиги «Сувга чўккан қайиқлар» сарлавҳали фельетонда долзарб муаммо кўтарилган деб ҳисоблайди. Мақолада келтирилган фактлар махсус комиссия томонидан атрофлича ўрганилди ва натижаси вилоят ҳокимлигининг 14 сентябрдаги мажлисида кўриб чиқилди. Дарвоқе, бу ҳақда Самарқанд район ҳокимлиги ҳам одилона маълумот тайёрлади.

Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, Самарқанд спорт қайиқлари заводида бултур халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режаси бажарилмай қолган. Асосий маҳсулот ҳисобланган ва ишлаб чиқарилган спорт қайиқларининг атиги 3,1 фоизигина сотилган, холос. Маҳсулотнинг сотилмай қолиши натижасида заводнинг 5,2 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдони керакли мақсадда ишлатилмаяпти. Айни пайтда заводнинг дебитор қарзи 12306 минг сўмни, кредитор қарзи эса 9135 минг сўмни ташкил этади. Молия ташкилотларига 214 минг сўм давлат солиғи ўз вақтида кўчирилмаган.

Завод жаҳон бозорида рақобатлашадиган яхталар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлсада, мазкур яхталарни ярим тайёр маҳсулот сифатида бошқа корхоналарга жўнатмоқда. Яхталарни тайёр маҳсулот тарзида ишлаб чиқариш борасида амалий ишлар қилинмаяпти. Завод мулкини талон торож қилиш фактлари ҳам юз бермоқда. Самарқанд район ҳокимлиги ички ишлар бўлими завод иқтисодчиси Т. Норма товнинг омбордан 7150 сўм лик тайёр маҳсулотни ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетганлиги учун унга нисбатан жиноий иш қўзғаган. Заводда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонунни ижро этиш борасида ҳам амалий ишлар қилинмаяпти. Иш юритиш умуман давлат тилида олиб борилмаяпти.

Завод директори А. Алимов ҳокимлик мажлисида ўзи томонидан йўл қўйилган камчиликларни тан олди. Шу иш юзасидан қабул қилинган қарорга кўра, заводнинг ишлаб чиқариш фаолиятини уюштиришда масъулиятсизлик қилиб, катта хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги, давлат мулки талон-торож бўлишининг олдини олиш чораларини кўрмаганлиги учун Самарқанд спорт қайиқлари заводининг директори А. Алимов вазифасига нолойиқ деб топилди.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси бундан кейин ҳам вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишлайди, деган умиддаман.

П. АБДУРАҲМОНОВ,
Самарқанд вилояти ҳокими.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ДИЁР
TRADING HOUSE САВДО УЙИ

АГАР СИЗДА ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТА БЎЛСА ВА СИЗ МАЪҚУЛ НАРХЛАРДА ХОРИЖДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЭНГ ЯХШИ МОЛЛАРНИ ХАРИД ЭТИШНИ ИСТАСАНГИЗ БУНИНГ УЧУН АЛБАТТА ЧЕТ ЭЛГА БОРИШИНГИЗ ШАРТ ЭМАС

«Ўзбекбирлашув» қошидаги қўшма акционерлик «Диёр» савдо уйи магазинлари сизнинг дидингизга жавоб берадиган кенг қўламда хилма-хил озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига эга.

«Диёр» ўз имкониятларидан келиб чиқиб, мустақил ҳолда чет эл фирма ва компаниялари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб, мижозлар, тадбиркорлар, ишбилармон кишилар, Ўзбекистондаги элчихоналар ва савдо ваколатхоналари хизматчиларининг ҳар қандай буюртмаларини қисқа муддат ичида бажаради.

ҲАҚ — НАҚД ТЎЛАШ ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ОЛИНАДИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 30 «А» «Диёр» магазини.

Тошкентдаги телефон: 54-19-87.

«ЖАҲОН» КОНЦЕРНИ
БРОКЕРЛИК ХИЗМАТИ ЎҚУВ МАРКАЗИ
БРОКЕР-СТАЖЕР
ТАЙЁРЛОВЧИ 3 ОЙЛИК КУРСГА
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Октябрь ойи оқимига қабул қилинганларга 1—3 минг сўм миқдорида стипендия тўланади.
Ўқиш —1 ноябрдан бошланади.

Суҳбат ва рўйхатга олиш шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9-00 дан 18-00 гача.

Манзилгоҳимиз: 700015, Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 16.

Маълумот учун телефон: 54-94-18.

ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Агар Сиз шахсий компьютер нималигини билмасангиз ва уни юқори даражадаги малака билан ишлата олмасангиз XX асрнинг сўнгги беш йиллигида ўз ишининг ҳақиқий мутахассиси бўлишингизни тасаввур қилишингиз қийин.

Бизнинг ўқув ахборот марказимиз Сизга бу муаммоларни хал этишга ёрдам беради.

Биз барча тармоқлардаги мутахассисларга ишлаб чиқариш ва бошқарув фаолиятида ҳамда программалаш воситаларида компьютерлардан фойдаланишнинг нафақат МДҲ, балки чет эл фирмаларида кенг қўлланилаётган энг замонавий йўналишлар бўйича ўқувни таклиф этамиз. Корхоналар исталган зарур йўналишга кўра группаларни ва алоҳида мутахассисларни ўқитиш учун Биз билан шартнома тузишлари мумкин.

Биз фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда катта ва кичик бизнес вакилларига компьютерларни ўзлаштиришга ёрдам берибгина қолмай, балки кўплаб бошқа қўшимча ёрдам кўрсатишга ҳам тайёрмиз.

Йигитлар ва қизлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари! Сиз бизнинг марказимизда замонавий ва истиқболли мутахассисликни эгаллашингиз мумкин.

Ўқувчилар! Марказимиз Сизларга янги мамлакат — барча учун қизиқарли бўлган ҳам компьютер ўйини, ҳам энг замонавий тилларда программалаштириш мамлакатини кашф этади.

Сизларнинг ҳаммаларингизни Тошкент шаҳрининг қоқ марказида жойлашган замонавий компьютер синфлари кутмоқда. Машғулотлар группалар жамлангандан сўнг бошланади.

Телефонлар: 33-80-15, 34-23-16.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ—ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.00.
Г—394. № 195. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.